

*Ҳасан ҚАРВОҢЛИ*  
*Ҳусан ҚАРВОҢЛИ*

# *Ёруз хаёл*

*Шеърлар*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2004

Макон тутган сени одамзот бўлди,  
Ютарман дегани бари мот бўлди.  
Ўтарсан дунё, дунё ўтарсан,  
Сенга келиб кимнинг кўнгли шод бўлди?

*Падари бузруквори Нишон Аҳмад ўглининг бу шеърини  
отамиз кўп такрорлаб юргувчи эди. Ушбу китобимизни  
отамиз Маҳмарайим Нишон ўғли ва Норттош Омон  
қизининг порлоқ хотирасига бағишлаймиз.*

*Муаллифлар*

84 (5Ў)6

T 24

T24 Карвонли, Ҳасан, Карвонли, Ҳусан,  
Ёруғ хаёл: Шеърлар.  
Тоза дил/Ҳасан Карвонли. Қизғалдоқ/  
Ҳусан Карвонли. - Т.: Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти, 2004. - 48 б.  
I. Карвонли, Ҳасан. Тоза дил.  
II. Карвонли, Ҳусан. Қизғалдоқ.

№ 542-2004

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси

© Ҳасан Карвонли.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2004 й.

Ҳасан ҚАРВОНЛИ

# Тлоза дил



\* \* \*

Мендан аразлаган шу телефон ҳам,  
Саволлар сўрасам сақлайди сукут.  
Шунда борлигини билдирар бир ғам  
Қолган ҳамма ғамни айлантиб унут.

Хонага сиғмайман — очилар дарча,  
Ҳавоям тўлдирмас дилда камимни.  
Тоқатимни қилиб парча-ю парча  
Соат санайверар соғинчларимни.

Кўчага чиқаман шошиб, етар, бас,  
Ёнимда тўхтайди таниш трамвай.  
Мени олиб жўнар чиқармасдан сас,  
Ҳол сўрмай, индамай, худди укамдай.

Узоқ йўл юраман, сўнади пашгим,  
Куйдираман яна куйган юракни.  
Йўл юрдим, изладим, минг бекат ошдим  
Билюлмай уйингга яқин бекатни.

Кун бўйи кезаман шаҳарни сарсон,  
Ортимда бекатлар, узун-узун из...  
То ҳануз дилимда бир савол армон:  
Қаерда яшайсан, юракдаги қиз?

\* \* \*

Дунё кичирайди, юрак катгарди,  
Юракда бир дунё бўлди пайдо.  
Шаффоф осмонида оппоқ каптардай  
Рақс этдинг, дил анга бўлди шайдо.

Чарх уриб рақс этдинг, изларинг ёлқин  
Ё сенинг вужудинг нурлимидир?  
Томирда ҳисларим югурик тўлқин,  
Айт, севмай бўлурми хурликни де.

Ўйин туш, тўхтама, сен хурсан, хурсан,  
Ноёбсан бир марта кўрилган тушдай.  
Энг ёруғ хаёлдай қилурсан жилва,  
Яшагин бир умр осмондан тушмай...

\* \* \*

Гулга айлан, гулга айлангил,  
Баҳорларнинг келсин ҳаваси.  
Муҳаббатнинг оташларидай  
Куйдиргувчи бўлсин нафасинг.

Шаббода оҳ урсин пойингда  
Кипригига ёшлар илиниб.  
Ҳазин-ҳазин қўшиқларида  
Севганлиги турсин билиниб.

Ҳатто кўкда ой-у юлдузнинг  
Кўзларида ҳайрат акс этсин.  
Жамолингни бир кўриб қуёш  
Нурларида соғинч рақс этсин.

Ўзлигини унутиб хуршид  
Термулсин-да қолсин бошингда.  
Гулга айлан, гулга айлангил,  
Мен ҳам гулга айланай шунда.

---

\* \* \*

Осмон оқ либосда оҳиста-  
Оҳиста тушади ўйинга.  
Бир қушча қайдадир олисда  
Сайрайди недандир суйунган.

Гул кўзи намланур ёшлардан,  
Дилида йўқ алам, йўқ алам.  
Товларда, боғларда, даштларда,  
Чўлларда кўкалам, кўкалам.

Шодланиб шеър айтар шаббода,  
Аллалаб навниҳол майсани.  
Сўзлари шириндир наводай:  
— Сев мени, сев мени, сев мени.

Қарайман, сел бўлар юрагим,  
Томирда севинчлар мавжланиб.  
Бир қўшиқ куйлайди табиат  
Тобора авжланиб, авжланиб...

---

\* \* \*

Дераза олдида тик турган дилбар,  
Борлиқнинг бағрига ташлаган гулу.  
Елларни хаёли айлаб саросар,  
Гулларни чиройи титратган сулув.

Деразадан кўкни кузатган нигоҳ,  
Ўзида неларни акс этгирган юз.  
Шеър деса шеър эмас,  
Куй деса куймас,  
Ҳис — маъюс, маъюс.

Жим хаёлга чўмган онингда  
Бориб турсам эди ёнингга.  
Ўргамизда неча ой, йиллар,  
Дераза олдида тик турган дилбар...

\* \* \*

Бир кун келиб сен билан биров  
Учрашмоғин ҳукм этар тақдир.  
У ким — Ҳасан деган болакай,  
Оққўнгилу кўйлаклари кир.

Бугун сени кўриб у бола  
Балки ҳайрон бўларди роса.  
Бу ким — Ҳасан исмли йигит,  
Кўнгли доғу кўйлаги тоза.

---

\* \* \*

Қошлар камон, киприklar найза,  
Кўзларингиз кулаверади.  
Бу дунёда сиз борсизки, мен  
Ҳам яшагим келаверади.

Юрагимда бир гул — сезмайсиз —  
Япроғини қилар пояндоз  
Жондан азиз изларингизга.  
Сиз севмайсиз. Сиз қиласиз ноз —  
Севмайсиз.

Осмон тўла юлдуз, қарайсиз  
Мендек излаб ёруғ юлдузни.  
Дилингизда бир сир — айтмайсиз,  
Жонга жон бахш этувчи сўзни,  
Аяйсиз.

Бир лаҳза  
Севмайсиз  
Аяйсиз  
Мени...



---

\* \* \*

Сен ғанийсан, суюқлигим, мунча кўп  
Давлатингга даъво қилган султонлар.  
Кулса гул ё йиғласа дур олай деб  
Изларингдан излайдилар имконлар.

Қушлар келиб унинг исми не деса  
Дарахтлар ўй ўйлагани-ўйлаган.  
Биров ҳур деб хаёл қилар, сен эса  
Тирик шеърсан ҳали ҳеч ким билмаган.

Дийдорингга тўймай қолар фасллар,  
Қўсиштирар бири келса бирини.  
Талашади нафасингни насимлар  
Билайлик деб бу хушлиғнинг сирини.

Анисимсан, кетди алам, кетди ғам,  
Нигоҳингдан кипригимнинг синиғи.  
Қани эди яна бир бор кўмилсам,  
Кўзинг ёши кўлларнинг энг тиниғи,  
Йиғлама...

---

## Баҳодирга

Ўтган масрур ёшлигин излаб  
Ивирсийди ҳазин-ҳазин ел.  
Чаманзорда хазонлар аро  
Яшнаб турар битта қизил гул.

Юракларда уйғонар ҳайрат  
Ки, борлиқда баргрезон фасли.  
У баҳорнинг ўлмаган руҳи,  
Кузакларга бўлмаган таслим.

Сенга чексиз ҳавас-ла, гулим,  
Недир секин ўртар дилимни.  
О, бу балки энг оғир гуноҳ —  
Бўлгим келди сендай севимли...

\* \* \*

Юрагимда яшнаган гул,  
маъюс гулим, оқ гулим.  
Менга кулиб боқмади бахт,  
сен бир кулиб боқ, гулим.  
Хиёнаткор баҳорларни  
эсламагил, қўй, гулим,  
Менингдек у кунларингни  
эртакларга йўй, гулим.  
Яна сенга айтар сўзим,  
ҳам тилагим шул, гулим,  
Гар севсалар севмаслигинг  
гуноҳлигин бил, гулим.  
Яна менга... Яна менга  
гулдан кафан бич, гулим.  
Дунё сандан кечмасидан  
сен дунёдан кеч, гулим.

\* \* \*

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,  
Борлигим айлагил чилпарчин.  
Ки, босган ҳар битта изинга  
Дилимдан тўкилсин дилпарча.

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,  
Унутаи аламлар, ғамларни.  
Кўзларим бағрига яширсин  
Мен қадрин билмаган дамларни.

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,  
Шууримда бир ҳайкал ўрнатай.  
Севилмоқ илмини ўргат сен,  
Мен сенга севишни ўргатай.

\* \* \*

Сен малак эмассан яралган нурдан,  
Шаффоф хаёлларинг юрмагай учиб.  
Кулсанг гул, йиғласанг сочилмас дурлар,  
На севиб бўлади, на буткул кечиб.

Сенинг нигоҳларинг эмасдай ханжар,  
Тиф бўлиб, чўғ бўлиб ботмайди дилга.  
Юракни этмайди парча-ю парча,  
Ва шундоқ тутқазиб қўймайди қўлга.

Ошиқлар оҳлари — маҳзуна еллар  
Зорли қўшиқ айтиб билмайди тиним.  
Ненидир пичирлаб титрайди гуллар,  
Улар-да билмайди исмингни сенинг.  
Барибир гўзалсан...

---

\* \* \*

Ярим кеча... Муסיқа янграр  
Хаёлларни парча-парчалаб.  
Фалакларга сачрайди зарлар —  
Юлдуз мисол парча-парча қалб.

Кеча юзин ёритар оқ нур —  
Нигоҳларни боғловчи тасма.  
Қўнгилларга сочар тилло сув,  
Ховучида ҳайратнинг расми.

Садо келиб қўшилар янги  
Муסיқанинг жаранларига.  
Дунё аста боради сингиб  
Муғаннийнинг оҳангларига.

\* \* \*

Дилда шеър, дунё ҳам шеър экан,  
Ирмоқ-да шеър айтай дер экан.  
Ложувард осмонда шеър кўрдим,  
Офтобдан таралган нур экан.  
Булбулнинг тилида куй бўлган,  
Армонли-армонли ўй бўлган.  
Раҳматлар бағишлаб дилларга,  
Хун олган ошиқдан хун олган.  
Ошиқлик шеър экан, шеър экан,  
Ниҳоя билмаган сир экан.

---

\* \* \*

Мана, яна гуллади осмон,  
Булут септи заминга атир.  
Унут бўлди юракда армон,  
О, яшагим келаётир.

Уфқларга ташладим назар:  
Шамолларда мавжланар майса.  
Руҳ ҳаётга ташналик сезар  
Олам сенга қараб жилмайса.

Гўзал эди, гўзал яна ҳам,  
Ҳилпирайди ҳарир либоси.  
Чечакниям кўрсатар кўркам  
Қизғалдоқдай қизлар ибоси.

Бўй кўрсатди армон янгидан,  
Кўз олдимда севгининг расми.  
Апрелнинг оппоқ тонгида  
Янаш сизга қийин эмасми?..

\* \* \*

Юзларида пардаи ибо,  
Нигоҳига тушмас нигоҳим.  
Яшнаб турар теграмда, аммо  
Соғинаман уларни гоҳи.

Қадрларига кийгани яшил,  
Кафларида юракнинг расми.  
Келинчакдай эгилган боши,  
Улар қайси мардларнинг хасми?

Бир-бир разм солинг уларга,  
Дов-дов ёнар орзиққан диллар.  
Ўхшаб турар муслималарга  
Севиш утун яралган гуллар.

\* \* \*

Чиройлисиз чиройлилардан  
Баҳор ҳукм сурган дамларда.  
Солганингиз юракка не ҳам  
Ки, дил азиз айлар ғамларни.

Табассумлар кетар бирлашиб  
Жилмайсангиз сиз ҳам ҳаволар.  
Нигоҳингиз билан тиллашиб  
Ёғайверар кўкдан наволар.

Бахтиёрдир бунчалар баҳор,  
Изингизни гулга кўмадир.  
Менинг эса ўлтириб зор-зор  
Йиғлагим келяпти негадир...

\* \* \*

Ҳайқирсанг  
Келгудай дўстларинг бўлса,  
Дардингни олай деб,  
Сўраб ҳолингни.  
Жим бағрингга боссанг —  
Кучофинг тўлса,  
Дастурхонга қўйсанг молу жонингни.  
Десанг Сўз,  
Дардини унутса диллар,  
Ватаннинг дардларин олса ёдига.  
Ўзимга ўзим бек деган туйғуни  
Мерос қолдирмаса зурриёдига.  
Биздан яхши бўлса  
Болаларимиз,  
Армонларимизни англаса,  
«Туркистон — ватаним!» деган сўз  
Юракларида янграса.  
Чорласанг  
Дўстларинг йиғилиб келса,  
Жим бағрингга боссанг  
Топсалар маъни.  
Мен сенга, сен менга кераксан деса  
Миллатнинг шаъни бу,  
Миллатнинг шаъни!

\* \* \*

Бермасанг ҳам заррача таскин,  
Кетмасаям дилнинг губори,  
Ёмғир, сени соғиниш мумкин  
Соғинмаса кишини ёри.  
Йиғлаш мумкин сенга қўшилиб,  
Эзилиб-эзилиб,  
Ёмғир...

---

\* \* \*

Осмонлар шаффофу тоза эди дил,  
Қандайдир осмоний эди хаёллар.  
Байрамга келарди бир қўлида гул,  
Бирида боласин тутган аёллар.

Шеър айтсак қувониб, чақириб бир-бир  
Ширинлик берарди бизга катталар.  
Ширинроқ туюлар эди негадир  
Ўзининг улушин берса акалар.

Байрамми, эртакми — бўлмасди билиб,  
Чопқиллаб ўйнардик болалар бирга.  
Иссиқ нондай ёниб, кўзлари кулиб  
Офтоб ҳам беларди заминни нурга.

Осмонлар шаффофу тоза эди дил,  
Бугун бошқачадир дунёнинг ранги.  
Умрим йўлларида янги бир манзил,  
Ҳайратлар туғилмиш юракда янги.

Бахтли санагайман ул дамларимни,  
Лек қандай яшадим шунча йил сенсиз.  
Бормининг болалик байрамларимда  
Исмими мен энди билган қиз?!



---

\* \* \*

Кўзим қадаҳида чайқалар шароб,  
Аламлар эрийди юлдуз тафтида.  
Жилвали жилмайиб чорлайди сароб,  
Оғулар тугади икки кафтида —  
Дунё.

Хаёл — кулба каби кичкина қафас,  
Тутқунда асрайди энг гўзал ҳисни.  
Ой юрар йўлларни қилмагин ҳавас,  
Осмонми армоннинг бошқача исми,  
Эй дил?

Умр-ку ўткинчи, бахт ҳам лаҳзалик,  
Шабнам ҳам бахтлимас бағрида гулнинг.  
Кун келар, не бўлар — билмайман аниқ,  
Билганим: ҳаётим изтиробу мунг.  
Кун келар...

---

\* \* \*

Дарахтлар ям-яшил, майсалар яшил,  
Орзулар оқ рангда, осмон зангори.  
Бўй етган қизлардай шўх қиқирлашиб  
Хусн талашади апрел тонглари.

Булоқдан чорбоққа шошар шалола  
Бир йиллик соғинчдан ўзни унутиб.  
Акаси сайрга олчиққан бола —  
Шаббодани сира бўлмайди тутиб.

Гўё ғам-аламни кўрмаган дунё,  
Ҳечам тугамайди қушларнинг назми.  
Дунёнинг бир чети — шу чорбоғ аро  
Тобора авжланар баҳорнинг базми.

Бир уйча. Кўзи тўрт бўлган дераза.  
Дераза ортида тувакда бир гул.  
Биров ундан ҳолинг не деб сўрамас,  
Тўкилиб боради юраги чил-чил...

\* \* \*

Нега бўйнинг мендан баланд деб  
Осмонларга отган эди тош.  
У тош қайтиб бошига тушди,  
Ай, шунда ҳам ёрилмади бош.

---

## АВТОБУСДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Оппоқ далаларга чўкаяпти тун.  
Кўзингиз олдига келмасин пахта,  
Ахир қиш, куз эмас. Ҳаво юзи тунд,  
Ҳатто автобуснинг ичи ҳам яхтай.

Ташқарида рақс тушиб ялмоғиз  
Бошига қоп-қора рўмол ўрайди.  
Ҳамма жим, лек зарур каби билмоғи  
Ким кимдан бақириб соат сўрайди.

Мен ёруғ хаёллар илинжи ила  
Эслайман энг яқин аллакимимни.  
Биламан, у мени ўйламас сира,  
Балки унутгандир менинг исмимни.

«Бизни унутгани унутмоқ керак» —  
Мунча маҳзун, ҳофиз, куйларинг.  
Қаро тунга боқиб йўл бўйи  
Тундай қаро бўлди ўйларим.

---

\* \* \*

Қизғалдоқдай эдинг.  
Бир пайтлар хумор-  
хумор боқар эдим ёниқ хуснингга.  
Ўн саккизда эдим,  
тунлари бедор  
Исмимни айтардим боғлаб исмингга.

Қизғалдоқдай эдинг.  
Ҳайратланардим.  
Энг гўзал шеър эдинг, энг гўзал наво.  
Шеърга ошиқ эдим,  
севардим, лекин  
Сени ўзимгайм кўрмасдим раво.

Турналар учарди  
«кур-эй»лаб куйлаб,  
Недан мутаассир титрарди қаддинг.  
Ёнингга турсам-да  
сен ҳақда ўйлаб  
Қўлингдан тутмоққа бормиди ҳаддим?

Бугун орамизда  
ўн саккиз фасл,  
Сен йўқсан ёнимда, нетайки лолман.  
Киприқларим аро ёнар бир расм:  
Кўйлагинг ям-яшил,  
дуррачанг алвон...

---

\* \* \*

Пешонамга ёзилган  
тақдиримдан тонмайман.  
Бировнинг гулини деб  
куйинмайман, ёнмайман.

Севги мисоли олма,  
бир тишламча ҳоли бор.  
Камбағалнинг кўнглидан  
бошқа қандай моли бор.

Қандай яхши кўрардим,  
кафтимда эди жоним.  
Наво билан, шеър билан  
тўлдирардим дунёни.

Муҳаббат йўқ деганлар  
тошларингни теринглар.  
Фақат менга бағритош  
Ёрдан хабар беринглар...

---

\* \* \*

Ташқарида шовқин, қаққаҳа хунук,  
Қадам дупурига тўладир йўлак.  
Дунёнинг ғамбода чехраси сўник  
Сенинг мўъжазгина хонангдан бўлак.

Шеърият ҳақида сўзлайман узоқ,  
Айтаман кейин шеър ёдлайсан кимдан.  
Кўксимда бир исён, ғалаён, бироқ  
Ҳамма гапни айтиб бўлгандай жимман.

Ташқарида шовқин, дунё билмайди  
Бу ажибу нажиб ҳолнинг отини.  
Нигоҳинг китобда, бузгим келмайди  
Икки гўзал олам мулоқотини.

\* \* \*

Тор хужра.  
Торларин чертар Сукунат,  
Акс-садо беради унсиз Мусиқа.  
Оғир қадамларин санаб босар Вақт,  
Дам-бадам бошини урар Эшикка.  
Бурчакда мўлтираб ўлтирар Хаёл,  
Оппоқ ёпинчигин излаб изғир Тун.  
Бир нуқтага боқиб ўй сурар Савол,  
Тилида айланар ёлғончи таскин.

---

\* \* \*

Бекатдаман. Хаёлларим ланж,  
Кетгандайман япапдан безиб.  
Троллейбус, одамлар чиққач,  
Инграб юрди юракни эзиб.

Турибмизу елкама-елка  
Менинг дардим ҳеч ким билмайди.  
Ана, бир қиз им қоқиб йўлга  
Ҳамроҳига қараб жилмайди.

Ишхонага ҳали бор анча —  
Икки бекат, юрсам пиёда.  
Шу пайтгача шошилдим қанча,  
Бир бор шошмай шошқин дунёда.

Тушдим. Келдим шундан ўй билан,  
Бир оламга ногоҳ келдим дуч.  
У бахш этди дилимга ўлан  
Ва руҳимга шиддат, қувонч, куч.

Бу кўчадан ўтганлар айтсин,  
Жаннатларнинг иси уфурар.  
Эрта туриб тонгда бир қизча  
Гулоб сениб ҳовли супурар.

---

\* \* \*

Қизиқтирмай қўйди эртага умид,  
Яшагинг келмайди на кўк, на ерда.  
Мен сени йўқотиб топганим шуми,  
Мен сени йўқотиб қўйдим қаерда?

Кўчага чиқасан дилингда малол,  
Дуч келар ҳар кунги нотаниш қалблар.  
Билмаймиз дейишар сўрасанг савол  
Қип-қизил масхара сурилган лаблар.

Кейин катта ҳаёт — этинг увушар,  
Ҳар кунги илондай алмаштирар пўст.  
Неларнидир ўйлаб оғулар кўшар —  
Ширин сўз айтади ишонганинг дўст.

Қизиқтирмай қўйди на осмон, на ер,  
Қизиқтирмай қўйди на шеър, на севги.  
Шуми истаганинг яшамоқлик ҳур,  
Юракда йўқликка ўхшаган туйғу.



---

\* \* \*

Қандай йигит эдим, кунларим  
Кундуз куни ҳам ойли эди.  
Сени ўйлаб чиққан тунларим  
Кундузлардан чиройли эди.

Руҳим аршга чиқиб қайтарди  
Фараҳ ёқиб жону-жисмимни.  
Ширин тилинг билан айтардинг  
Ҳар гапингда менинг исмимни.

Ишон, дийдорингга тўйсам ҳам  
Судбатингга тўймас эдим мен,  
Гапир дея қўймас эдим мен.

Бу кун чекиб ўтирибман гам,  
Аршга етмас юракнинг доди,  
Фазилатли кунларнинг ёди  
...қийнайди...

---

\* \* \*

Ўйлагим келмайди ёмонлар ҳақида,  
Сўйлагим келмайди хазонлар ҳақида.  
Куйлагим келмайди армонлар ҳақида —  
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам.

Ўтмишга дўнар қиш, боқиши паришон,  
Сувларда не ташвиш — оқиши паришон.  
Ёмғир кўз ёшими дилпарча ошиқнинг,  
Чечакка марварид тақиши паришон.

Қоқигул сарғаяр, дилида доғи бор,  
Бойчечак жилмаяр — болалик беғубор.  
Не қилса арзийди ушбу кун гул-чечак,  
Уники шу тупроқ, уники шу баҳор.

Қай кўнгил кўшкида тож-тахтли бўлармиз,  
Ундан сўнг ўлгунча то аҳдли бўлармиз.  
Эртага... Эртага биз бахтли бўлармиз —  
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам.

---

\* \* \*

Сенга яхши сўзлар айтгим келади,  
Дейлик, капалакнинг севгиси ҳақида.  
Гулни севади капалак,  
Айланади-ўргилади жонфидо.  
Жон фидо қилади бир куни,  
Шундаям  
Гулни кучоғида ўстирган тупроққа  
Қоришиб кетади жимгина.  
Сенга яхши сўзлар айтгим келади,  
Лекин сен айт  
Сақлайсанми у сўзларни  
Юрагингда,  
Авайлаб...

\* \* \*

Ўтган йили мен бола эдим —  
Йигирма иккига кирган бола.  
Кўнгилдош эдик  
Сабоқдошлар билан  
(Улар сизни танишади, лекин кўрмаган).  
Бир кун дарсда хат келди ҳазин:  
«Сочингизга оқ оралабди,  
Ҳаммамиздан эрта қаридингизми?».  
Бугун  
Сочингизнинг оқларига қараб  
Ўкинаяпман, эна,  
Ўтган йили бола эканман!

\* \* \*

Кундузлар оталар ияртиб тўйларга,  
Ухласак опичлаб опкелган уйларга,  
Ёзнинг кечалари соғинтирди мени.

Кечалар энасин укадан қизганган,  
Кўпинча қуёшдан илгари уйғонган  
Эрка бачалари соғинтирди мени.

Уришсак жўралар уришмай кўндирган,  
Навраста дилларда ҳаваслар ундирган  
Янга-чечалари соғинтирди мени.

Кетгунча тупроқдай меҳрлар тўкилган,  
Кезсангиз охири эртакка чиқилган  
Қишлоқ кўчалари соғинтирди мени...

\* \* \*

Битта осмон остида икки  
Қутб аро яшаймиз жим.  
Елкамизда тириклик юки,  
Эркинликка қўймайди бир зум.

Кўрмасмизу кўрмас кўзимиз,  
Узоқдасан, етмас қўлимиз.  
Банди бўлсак ҳамки ўзимиз  
Талпинади сенга дилимиз.

Жилоланиб, товланиб турфа  
Шуурда акс этишинг турли.  
Сенинг бутун борлигинг нур ва  
Сенинг ҳатто ҳаёлинг нурли.  
Сени не деб севайлик, ҳаёт!..

---

\* \* \*

Болалик, ай менинг тоза диллигим,  
Ва айни саратон, қишлоқдаги тўй.  
Пахтага бормайман дея олдим жим,  
Боргин деди отам, кўзларида ўй.

Эсимда, тўққизда эдим чамаси,  
Унчалик билмасдим ўчни, ғаразни.  
Нега йиғламадим қайтиб нафасим  
Исмим билмаганда содда аразнинг.

Кейин кетмончани ушладим яна,  
Кун ўтди ғузани ўтлардан ўтаб.  
Ёндирди ўзи ҳам ёна ва ёна,  
Ёз ўтди кунимни куйдириб, тутаб.

Тирикчиликмиди ишимнинг оти,  
Бу кун шууримда айланар қадар.  
Жилмайдим, ёшларим кўзимда қотди —  
Болалик пок экан энг пок ҳис қадар!

\* \* \*

Узоқлашиб бораяпман секин  
Энг бахтиёр, шод дамларимдан.  
Севги билан сарафроз, лекин  
Аламларга ёт дамларимдан.

Оппоқ қоғоз узра чизикдай  
Сочларимга оралабди оқ,  
Хусн эмас улар ҳарқалай,  
Ҳар битгаси жавобсиз сўроқ.

Алам қилар ҳали ҳам менга  
(Нима учун? Нимага? Нега?)  
Юрагимда очилган гулга  
Бошқа биров чиққани эга.

Узоқлашиб бораяпман жим  
Сендан, гулим, ҳатто ўзимдан.  
Тунлар ойга боқиб йиғладим,  
Ёш ҳам чиқмай қўйди кўзимдан.

Тушимга ҳам кирмай қўйдинг, гул,  
Балки сени кўрмасман қайта.  
Таслим бўлдим тақдирга буткул,  
Сен қайда-ю, Самарқанд қайда?

Бу фикрга эрта келар ким,  
Ким келади умр номида.  
Қанча куйма ҳаёт гўзал, ки  
Ҳаёт ҳамон сеvgи номида.

Ҳусан ҚАРВОҢЛИ

# Қизғалдоқ



---

\* \* \*

Ҳолим сўраб ҳеч ким келмади,  
Хўп йиғладим: хотин билмади.  
Болаларим ширин ухлади  
Отажоним соғинган кеча.

Ташқарида йиғлади шамол,  
Мени қамаб олди тўрт девол,  
Юрагимда қотди бир савол  
Онажоним соғинган кеча.

Титилади уйқунинг тўри,  
Икки кўзим фифонга мўри,  
Таранглашди кўнглимнинг тори  
Отажоним соғинган кеча.

Устунларим ёдимга олдим,  
Оқ қоғозга сиримни солдим,  
Кўнглимни бир бўшатиб олдим  
Онажоним соғинган кеча.

Гулбаданам — ширин қиз, гулим,  
Муҳаммадбобур — эрка улим,  
Қараб туриб тўлади кўнглим  
Отажоним соғинган кеча,  
Онажоним соғинган кеча.



---

\* \* \*

Балки бу энг сўнги сафардир  
бойчечак пардасин тортган тонг  
фамсизлик тўлдирди дилимни.

Қизгалдоқ хаёлим уфқи йўқ  
паришон ёришган чехрасиз  
сарғайиб ётибди кўкалам.

Илдизсиз шамолнинг кўнгли бўш  
сийпалаб ўтади даштларни  
хотирим соғинчи сокиндир.

Энасин энтикиб эмгандай  
йўртакда ётади юракгул  
кун туғиб тун ютган паллалар.

Хотирим соғинчи сокиндир  
сийпалаб ўтади даштларни  
илдизсиз шамолнинг кўнгли бўш.

Сарғайиб ётибди кўкалам  
паришон ёришган чехрасиз  
қизгалдоқ хаёлим уфқи йўқ.

Фамсизлик тўлдирди дилимни  
бойчечак пардасин тортган тонг  
балки бу энг сўнги сафардир.

\* \* \*

Чехранг аламлардан фориг бўлган дам,  
Кўзинг ишқ майлида маржон илганда,  
Бахтиёр бўламан сенингдек мен ҳам  
Кўнглиннга, кўнглимга баҳор келганда.

Тунлари шодликдан йиғлай олмаган,  
Кунлари кунимга соя солган қиз.  
Ҳали нигоҳлари излаб толмаган  
Ўзидай нурли-ю эрканоз юлдуз.

Умид кўйлагини кияман, аммо  
Дазмол қилинмаган ул кўйлак ёғим.  
Қизгина, сен уни қилсайдинг дазмол,  
Мен сенга термулиб ўтирсайдим жим.

Шунда эркаланиб қоларди дунё,  
Гулга айланарди ҳатто чирик хас.  
Саккиз тарафингда янграйди наво,  
Ошиқ муғаннийлар қилади ҳавас.

### ҲОЛАТ

Бундай қайсар шамол қайда бор,  
Қоп-қоронғу бунчалар кундуз.  
Қайга шошаяпти одамлар,  
Бунча оғир кўпол қадамлар.

Нега ҳечам синмас дераза,  
Бунча безбет бўлмаса ойна.  
Шовқин билан тўла-я шаҳар,  
Бунча ўлик бўлмаса саҳар.

Мунча қаттиқ манави устол,  
Мунча хира манави кўзгу.  
Бунча хунук бўлмаса юзим,  
Бунча жирканч бўлмасам ўзим.

---

## ҚИЗҒАЛДОҚ

Қизғалдоққа элангим келди,  
Ўлиб қолса бўлади сенсиз.  
Самарқандда қизғалдоқлар кўп.

Ҳу-ув узоқда, Қарпи йўлида  
Шундоққина тоғ этагида  
Қизғалдоқлар ичида бир қиз.

Вақти йўқдир мени эслашга  
Маъсум қизғалдоқлар ичида  
Кўзларида Ҳайрат суврати.

Қизғалдоққа кўмилгим келди,  
Ҳайратингга чўмилгим келди,  
Қизғалдоққа айланган гўзал!

\* \* \*

Иккимиз, дилоро, фақат иккимиз,  
Ихтиёр биздадир, ўзда илкимиз.  
Ғам-ку ўзимизда, қувонч мулкимиз,  
Нега маъюсландинг, ахир иккимиз.

Мен борман, сен борсан, Қуёш бор, осмон,  
Қун гувоҳ, тун гувоҳ, сен гувоҳ, мен — хор.  
Фақат мени суяб турғувчи сен бор,  
Сен борсан, Қуёш бор, мен бор, бор жаҳон.

Иккимиз, дилоро, фақат иккимиз.  
Бир йиғлаб олайин, сен йиғламай тур.  
Кўзимнинг сувини кўзларингга сур.  
Иккимиз, дилоро, фақат иккимиз,  
Биз энди севгининг мулкимиз...

---

## ИЛТИЖО

Илғаб бораётир мени фасллар,  
Киргиси келмайди қўйнимга.  
Бугун эса Наврўз,  
Умидворман ҳарқалай ундан.

Бир шеър сўровдим она — Қуёшдан,  
Хазонлар олиб кетиб қолибди,  
Қорлар сингдириб юборган Ерга,  
Сен мени алдама, Наврўз.

Чўмилмоқ истовдим камалакрантга,  
Ёмғир ювиб кетди рангларни.  
Совуқ қотган тиланчидай қалтироқдаман,  
Иситиб қўясан-а, Наврўз.

Сенга ҳавас қилдим, меҳрлисан-а,  
Ҳамма яхши кўради-я сени.  
Менгаям бир кириб кетасан-а,  
Танийсан-а мениям, Наврўз.

\* \* \*

Мен соат тақишни ёмон кўраман,  
Биламан, бу учун кечирмайди Вақт.  
Шундандир орқада қолаётганим,  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Мен соат сўрашни яхши кўраман,  
Гарчи ҳеч қизиги бўлмаса ҳамки,  
Худди бир нарсага шошаётгандай,  
Худди кечикаётгандай бахтнинг келиши:  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Мен Вақтга ачинмай кўяман гоҳо,  
Хафа бўлиб кетаман гоҳида ундан.  
У эса қочгани қочган, қочгани қочган,  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Барибир бир куни етаман унга,  
Ахир унга буюрилган мен-ла учрашмоқ.  
Шунда бир-биримизга сингиб кетамиз,  
О, билмадим бу қачон, билмадим, қачон?  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

---

\* \* \*

Мен лиммо-лим тўлиб кетдим,  
Ҳақнинг қули бўлиб кетдим,  
Ҳамма-ҳаммаси устидан  
Кулиб кетдим, кулиб кетдим.

\* \* \*

Дил уйи вайрона, чодирим йиртиқ,  
Кўзу қош ҳайрона, қўлларим интиқ,  
Аёғим саргардон, сиғдирмади Ер,  
Ҳолимни бир сўр.

Дарахти оввора фасллар билан,  
Шохлари фаввора, илдизи илон.  
Эгнимга илгани етти қават тўр,  
Ҳолимни бир сўр.

Мен сенга етмадим, қайларга етдим?  
Лек ҳали йитмадим, хаёлни йиртдим.  
Юлдузинг маёғим, кетмоқдаман, кўр,  
Ҳолимни бир сўр.

---

\* \* \*

Кўйиб бергин, пишайин гартак,  
Суяқларим қовжираб кетсин,  
Ҳил-ҳил пишсин айниқса юрак.

Сўнг совутиб олгин шамолга —  
Учиб кетсин қора дудларим,  
Ўчиб кетсин яра-ёдларим.

Қийма-қийма қилгин тилимни,  
Тилиб-тилиб ташла дилимни,  
Итга ташла, майли кўзимни.

Шундаям кам, жудаям кам, кам,  
Ҳали етиб келмадим бунга,  
Кўйиб бергин, пишайин гартак.

\* \* \*

Ҳалқадай тизилди нигоҳлар  
Туманзор ичинда тараққий.  
Кўзимга осилди гуноҳлар,  
Мен — осий, сен — осий, дил — осий.

Кўнгиллар сифдирмас жунунни,  
Ё жунун кўнгилга сифмади.  
Нигоҳинг ёролмас тутунни,  
Йиғладинг, йиғладим, йиғладик.

Бизларни билмади одамлар,  
Аёғлар узилганди ердан.  
Товушсиз йиғлади қадамлар,  
Мен сени истадим бир дам...

\* \* \*

Ҳартугул чидадим, энди буёғи  
Сенинг измингдадир, подшосан ўзинг.  
Топа олсам эдим рангим, бўёғим,  
Ёруғ бўлар эди олдингда юзим.

Мен гулдан юзимни бургим келмади,  
Силқиб турар эдинг япроқларида.  
Ўтган ерларимни кўзим илмади,  
Изим билинмади тупроқларида.

Қайдан чиқади-ю қайга ботади,  
Мен сўқир эканман, қайдасан, Куёш?  
Яхлаган томримга ҳовур ўтади,  
Кўзгала бошлайди минг асрлик тош!

## ЁМҒИР

Ёмғир — сenga аталган тилак,  
Кўзларимда силқийди ёмғир.  
Ёмғирдайин келақол, иллю  
Дил сувига ташнадир бағир.

Мени чорла ҳув узоқ кеча  
Чорлагани каби кўзларинг.  
Шод ўлайин ёмғирдан ича,  
Ёмғир бўлсин сўзларинг.



---

---

## САРАТОН

Кулоқни тешгудай чириллоқ — чирр-чирр —  
Нўхат юлаётир бир тўда қиз.  
Ўзини бозорга солар шабада,  
Саратон сабилдир, саратон сабил.

Шаҳарда хиёбон ичида бир тўп —  
Зерикиб кетишар зерикишлардан.  
Теварак кўзингда айланар гир-гир,  
Саратон сабилдир, саратон сабил.

Мен ва сен, сен ва у, у ва мен — гаранг,  
Лоҳасмиз, беҳосмиз, бешамол, бедил.  
Томирлар шицинар, тортишар таранг,  
Саратон сабилдир, саратон сабил.

Ҳамма бир-бирини ёмон кўради —  
Нафратлар пишади иссиқда ҳил-ҳил.  
Менинг қайларгадир кетгим келади,  
Саратон сабилдир, саратон сабил.

## ТЕОРЕМА

Шовқинда ҳаёт бор —  
қутбли ҳаёт.  
Ҳаётда шовқин бор —  
қутбсиз шовқин.  
Ўртада ўлим бор —  
шовқинсиз ўлим.  
Ўлимда ҳаёт бор —  
қутбсиз ҳаёт.

---

\* \* \*

Фақат йиғлаш мумкин сенинг ҳолингда,  
Орзулардан чарчаган ғариб.  
Фақат йиғлаш мумкин сенинг ҳолингда,  
Ўқирмай, ёқангни йиртмайин.  
Фақат йиғлаш мумкин сенинг ҳолингда,  
Йиғлашни орзу қилган бечора.

\* \* \*

Сен қабрсан,  
ҳар куни  
ўлимни эслагандай эслайман сени.  
Сен тобора чуқурлашиб бораяпсан,  
билмайман  
қачон кўмилишимни Сенга.

\* \* \*

— Ёлғон сўзни айтолмай йиғлаб,  
тилимни тишлаб турганимда  
қайда эдинг, Ҳақиқат?  
— Тилингнинг учида!

---

\* \* \*

Новдаларда кўм-кўк эҳтирос,  
Дарахт ўзи ям-яшил хилқат.  
Барибир сўлади бир кун  
Илдизининг қоралигидан.

\* \* \*

### Бозорбойга

Яна куз келяпти тўрхалтаси бўш,  
Нимамиз бор унга берадиган?  
Эгнингизни ечинг, айтинг хайр-хўш,  
Азоб бераётир бултурги тикан.

Сизни танийдими кекса тирамоҳ,  
Мени кўрармикан кўзлари сарғиш?  
Кўксимнинг чап қисми чимиллайди гоҳ,  
Илдиз отаётир у ерда қарғиш.

Қунишиб-қалтираб қутулдик қишдан,  
Баҳорни алдадик кузда деб ҳосил.  
Воз кеча олмасак эринчоқ Тушдан  
Бизни кечирарми бу кўҳна фасл?..

---

## ТУГУН

Сен боғлаган тугун қорачигимда.  
Баҳорнинг кетиши бунча кўримли.  
Кетасан тугунни ечмасдан,  
Мени тарк этмади кузги хавотир.

Хавотир ичраман. Сен хотиржамсан  
Тобора чигалик касб этар тугун.  
Интиҳо бормикин ғайрий азобга,  
Кўрган сари сени кўролмаяпман.  
Мени тарк этмади кузги хавотир.

\* \* \*

Сенинг кўзларингга қарамоқ — гуноҳ,  
Кўзимни покламай туриб риёдан.  
Сенинг сочларингни силамоқ — гуноҳ,  
Қўлларимни чайиб олмай ҳаёда.

Сенинг ҳузурингда бўлишим гуноҳ  
Машаққат чекмайин бориб ёнингга.  
Сенсиз, сенга етмай ўлишим гуноҳ,  
Жонимни қўшмайин жонингга.

\* \* \*

Видодан бичилган тўним-а,  
Тўкилиб кетарсан бир куни.  
Боқолмай ўнгиму сўлима  
Бўлурман соғинчнинг тутқуни.

Ёнодир бор-йўғим сарватим —  
Гуноҳим — гулдилим ёнодир.  
Кўнглимнинг туйнути — ҳайратим  
Ёнодир, ёнодир, ёнодир.

Сенмидинг заволли уволим,  
Не ҳисни тутқаздинг дилима?  
Бор-йўғим — азобли саволим —  
Видодан бичилган тўним-а.

\* \* \*

Ёлгончи абрлар кетдилар узоқ,  
Сен узоқ истадинг, ёғмади ёмғир.  
Беҳуда бўлди-ей қўйганинг тузоқ,  
Энди кел, бағримга кир  
Фирок.

Ҳайрон қолаверди баҳорий ҳислар,  
Кўм-кўк ҳисларингни алқади ишқим.  
Кўзларинг туманда нимани кўзлар,  
Нимани изладик беш кун  
Бизлар.

Илғадим, сен ўзи асли кўнгилчан,  
Лек кўнглинг кўнглимни айлади яғир.  
Мен сени кашф қилдим гаройиб кеча,  
Ўртаниб покланди бағир  
Шу кеча.

Қандайин чиройли бу оқшом юлдуз,  
Маънос боқишлари эслатар кўзинг.  
Ёнинга боролмай ташнаман ёлғиз,  
Келсанг-чи, энди кел ўзинг,

...

## Мундарижа

Мендан аразлаган шу телефон ҳам.....	4
Дунё кичирайди, юрак каттарди.....	5
Гулга айлан, гулга айлангил.....	5
Осмон оқ либосда оҳиста.....	6
Дераза олдида.....	7
Бир кун келиб сен билан биров.....	7
Қошлар камон.....	8
Сен ғанийсан, суюклигим, мунча кўп.....	9
Ўтган масрур ёшлигин излаб.....	10
Юрагимда яшнаган гул.....	10
Бир нигоҳ ташлагил.....	11
Сен малак эмассан.....	11
Ярим кеча... Муסיқа янграб.....	12
Дилда шеър.....	12
Мана, яна гуллади осмон.....	13
Юзларида пардан ибo.....	14
Чиройлисиз чиройлилардан.....	14
Ҳайқирсанг келгудай дўстларинг бўлса.....	15
Бермасанг ҳам заррача таскин.....	15
Осмонлар шаффофу тоза эди дил.....	16
Кўзим қадаҳида чайқалар шароб.....	17
Дарахтлар ям-яшил, майсалар яшил.....	18
Нега бўйинг мендан баланд деб.....	18
Автобусда ёзилган шеър.....	19
Қизғалдоқдай эдинг.....	20
Пешонамга ёзилган.....	21
Ташқарида шовқин, қаҳқаҳа хунук.....	22
Тор хужра. Торларинг чертар.....	22
Бекатдаман. Хаёлларим ланж.....	23
Қизиқтирмай кўйди эртага умид.....	24
Қандай йигит эдим.....	25
Ўйлагим келмайди ёмонлар ҳақида.....	26
Сенга яхши сўзлар айтгим келади.....	27
Ўтган йили мен бола эдим.....	27
Кундузлар оталар ияртиб тўйларга.....	28
Битта осмон остида икки.....	28
Болалик, ай менинг тоза диллигим.....	29
Узоқлашиб бораяпман секин.....	30
Ҳолим сўраб ҳеч ким келмади.....	32
Балки бу энг сўнги сафардир.....	33
Чехранг аламлардан.....	34
Ҳолат.....	34
Қизғалдоқ.....	35
Иккимиз, дилоро.....	35
Илтижо.....	36
Мен соат тақишни ёмон кўраман.....	37

Мен лиммо-лим тўлиб кетдим.....	38
Дил уйи вайрона.....	38
Куйиб бергин, пишайин гартак.....	39
Халқалай тизилди нигоҳлар.....	39
Ҳартугул чидадим.....	40
Ёмғир.....	40
Саратон.....	41
Теорема.....	41
Фақат йиғлаш мумкин.....	42
Сен қабрсан.....	42
Ёлгон сўзни айтолмай йиғлаб.....	42
Новдаларда кўм-кўк эҳтирос.....	43
Яна куз келаяпти.....	43
Тугун.....	44
Сенинг кўзларингга.....	45
Видодан бичилган тўним-а.....	45
Ёлгончи абрлар кетдилар узок.....	46

*Ҳасан Карвонли,  
Хусан Карвонли*

**Ёруғ хаёл**

*Шеърлар*

*Мухаррир* Абдуҳошим Ирисбоев  
*Бадиий муҳаррир* Фафуржон Алимов  
*Техник муҳаррир* Жаҳонгир Шарофбоев  
*Мусаҳҳиҳ* Фозил Мамашарипов

Босишга 1.12.2004 й. да руҳсет этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоғи 1,5. Шартли босма тобоғи 2,52.  
Нусхаси 3000. Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма № 307

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33.